

Мактабга тайёрлов гуруҳи учун нутқ ўстириш таълимий фаолияти учун дастур

Нутқ ва тил.

Ўз она тилида эркин сўзлашишга, болани катталар ва тенгдошлари билан эркин мулоқат юритишга, ўз ҳолати, ҳис-туйғулари ва мақсадларини нутқи орқали равон ифодалашга; ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича тортинмай саволлар беришга ўргатишда давом этиш. Сухбатдошининг нутқини тинглаш ва айтмоқчи бўлаётган фикрини англаш, ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш.

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш.

Она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакасини мустаҳкамлаш. Фонетик идрокни ўстиришда давом этиш. Болага *s-z, p-f, t-d, r-b, l-r, u-o', x-h, k-g* товуш гуруҳларини тўғри талаффуз этиш ва уларни фарқлашни, овоз сифатларини (*баланд, ўртача, паст, йўгон, ингичка, жудаингичка*), нутқ суръатини (*тез, ўртача, секин*) тарбиялаш, сўзда товуш ўрнини белгилашга ўргатишда давом этиш.

Луғат иши

Болаларнинг атроф-олам ҳодисалари ҳақидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида уларнинг “Менинг қадрдон Ўзбекистоним”, “Менинг шаҳрим – менинг маҳаллам”, “Мен ва менинг оилам”, “Мен ва менинг дўстларим”, “Қушлар.”, “Олтин куз”, “Сабзавотлар, мевалар, резавор мевалар”, “Ўзбекистоннинг оқ олтини”, “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти”, “Қиш. Конституция куни”, “Мавсумий кийим-бош ва пойафзал”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Мен ва менинг баданим”, “Ўзбекистоннинг буюк арбоблари”, “Баҳор”, “Коинот”, “Менинг уйим”, “Мебель”, “Идишлар. Миллий нақшлар”, “Маиший асбоблар”, “Йил фасллари”, “Миллий ҳунармандчилик”, “Кун қисмлари” мавзуларида нутқини бойитиш ва фаоллигини оширишда давом этиш. Болалар луғатини Ватан, Ватанимиз рамзлари: байроқ, герб, мадҳия, Ватан ҳимоячилари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва кўчалар, ёдгорликлар, майдонлар, байрамлар янги ҳақидаги сўзлар билан кенгайтириш; касб-хунарга оид (муҳандис, учувчи, мусаввир, шифокор, мисгар, ганчкор, ўймакор, наққош, пахтакор), қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, транспорт ва алоқа воситалари, компьютер ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Болаларнинг луғатини уларнинг теварак-атрофдаги воқелик билан бевосита таништириш асосида, билиш фаолиятлари жараёнида: табиатни кузатиш, йил фасллари, (баҳор, ёз, куз, қиш) ва уларни тасвирлаб бериш, ой номлари ва ҳафта кунларини номини билиш, буюмларни кўздан кечириш, суратларни томошо қилиш асосида олиб бориладиган қизиқарли сухбатлар ва саёҳатлар вақтида бойитиб бориш. Янги ўзлаштирган сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз этилишига эътибор бериш.

Нарсаларнинг номларини тўғри айтиш, бир-бирига ўхшаш ва

ўхшамайдиган нарсаларни билан солиштириб, улардаги ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларини топишга, буюмларнинг сифати, ранги (ёрқин, очик, одми, пишиқ, пухта ва шу кабилар) мустаҳкамлаш. Болалар нутқига ўз меҳнатига нисбатан муносабатини ифодаловчи сўзларни(саранжом-саришта, эҳтиёткор, тартибли) киритиш.

Халқ мақоллари, маталлари ва топишмоқларини тушунтиришни давом эттириш (“Қушни асраган, одамни асраган билан баробар”, “Яхшидан раҳмат, ёмондан лаънат”, “Бугунги ишни эртага қўйма”, “Куч-бирликда”, “Булбул чаманни, одам Ватанни севар”, “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” ва бошқалар).

Болаларга нутқларида умумлаштирувчи сўзлар, зид *маъноли сўзлар*: (узун-қиска, кеча-кундуз, кучли-кучсиз, паст-баланд), маъноси бир хил, аммо айтилиши хилма-хил бўлган сўзларни (*хурсанд, шод, қувноқ; баҳор, кўклам; кўркам, чиройли, гўзал*), айтилиши бир хил, аммо маънолари хилма-хил бўлган сўзларни (*ўт-майса, ўт-ариқдан ўтиш, ўт-олов в.б.*) тушуниб, ўз ўрнида тўғри қўллашга ўргатиш.

Луғатни фаоллаштириш.

Болаларнинг янги сўزلардан фойдаланиш ва маъносини билишга бўлган истакларини рағбатлантириш. Болаларга буюмларнинг номларини тўғри айтиш, бир-бири билан қиёслашга, фарқларини аниқлашга ўргатиш орқали луғат бойлигини оширишда давом этиш. Масалан, буюмларнинг хоссалари ва ҳолатини ифодаловчи сифатловчи сўзлар (шиша гулдон, юпқатиниқ, мўрт, тез синади) нимадан қилинганлиги, шакли, ранги, сифати, ўлчови ва вазифаларини англатувчи сўзларни ўргатишда давом этиш.

Буюмларнинг қайси нимадан ясалганини билдирувчи сўзлар (чинни лой, металл, пластмасса)ни ўзлаштириб боришларига аҳамият бериш. Болаларда она тилига нисбатан муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш

Болаларда грамматик жиҳатдан тўғри нутқни тарбиялашда давом этиш. Болаларга ўз нутқи ва бошқалар нутқидаги камчиликларни пайқаш ва уларни бартараф этишга интилиш ва чиройли гапириш иштиёқини тарбиялашда давом этиш. Болаларда гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, маъноли жумлалар тузиш малакасини шакллантириш.

Болаларга тўғри грамматик шаклларни машқ қилдиришда кўпроқ оғзаки ўйинлардан фойдаланиш (“Аксини топ?”, “Арча қандай?” “Эслаб қолинг ва айтиб беринг” ва бошқалар) мақсадга мувофиқ.

Болаларда гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, маъноли жумлалар тузиш малакасини шакллантириш. Отларни бирлик ва кўпликда қўллаш, сўзлар маъносини тушуниш. Жониворлар, нарсалар, идиш-товоқлар, турли касблар номини тушуниб, аниқ айтишга ўргатиш.

Нутқда келишиқ кўшимчалардан тўғри фойдаланишга амалий ўргатиш

Боғланишли нутқни шакллантириш.

Болалар билан оғзаки нутқнинг икки шакли - сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини ўстиришни давом эттириш. Болаларни суҳбатларда фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларининг бераётган жавобларини эътибор билан тинглаш малакасини такомиллаштириш.

Бадий асарни, хусусан эртакларни қайта ҳикоя қилишга ўргатаётганда болалар диққатини:эртакнинг бошланиши, такрорланиши, хулоса қисмига, воқеаларнинг изчил баёнига, ҳикояларни сўзлаб берилаётганда икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқига қаратиш.

Болалар асар воқеаларини сўзлаб бераётганида овоз оҳангининг хилма-хил (сўроқ, ҳис-ҳаяжон, хайратланиш, илтимос) турини қўллай билишларига эришиш.

Болаларга ўйинчоқлар ва буюм, фасллар ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ўйинчоқларни таърифлаб беришга, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларини (ранги, шакли, вазифаси) аниқ сўзлар орқали ифодалашга, расмга қараб мустақил тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Болаларга йил фасллари ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ҳар бир фаслнинг ўзига хос таровати, болаларнинг ўйинлари ҳақида воқеаларни изчил баён қилишларига, ҳикоя тугал маънога эга бўлишига эътибор қаратиш.

Ижодий ҳикоя қилиш.

Болаларни тарбиячи томонидан айтилган ҳикоя ёки эртакни ниҳоясига етказишга, жумлаларни қисқа, лўнда тузишга, тасвирий воситалардан фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

Болаларни шахсий тажрибалари асосида, тарбиячи таклиф этган ҳаётий мавзулар бўйича мантиқий ривожланиб борувчи ҳикоя ёки эртак тузиш лўқатларини ривожлантириш: “Куз”, “Меҳмонда”, “Дўконда”, “Ҳайвонот боғида”, “Қиш”, “Қишда кушларнинг ҳаёти”, “Автобусда”, “Баҳор”, “Дарахт гуллади”, “Қушлар қайтиб келди”, “Ёз”, “Ҳовузда чўмилдик” ва бошқалар.

Болаларга қаҳрамонларнинг кечинмаларини, ҳис-ҳаяжонларини таъсирчан бера билишга ўргатиш. “Биринчи қор”, “Қиш байрами”, “Энг гўзал фасл”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен отамга ёрдамчи”, “Онамларнинг байрами”, “Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?” кабилар.

Болаларга мавзули расмларда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, расмдаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларига нисбатан ўз фикрини, муносабатини билдириш, расмга қараб мустақил тасвирий ҳикоя тузиш ва ҳикояни мантиқли тугаллашни, бир неча воқеалар тасвирланган расмлар тўпламининг мазмунидан келиб чиқиб уларни тўғри жойлаштириш ва мантиқан боғланган ҳикоя тузишга, ўргатиш. Болаларни таққослаш усулидан фойдаланиб топишмоқлар ўйлаб топишга, тез айтишларни раво ва аниқ талаффуз билан айтишга ўргатиш.

Ўқиш малакалари.

Болаларга кўп вақт давомида китоб билан ўтириб, уни томоша қилиш, китобни тўғри ҳолатда ушлашга ўргатишда давом этиш. Айрим маълумотларни йиғиш учун китоблардан фойдаланиш, бир неча машҳур асарлар ва адабий қаҳрамонларни айтиб бериш, эслаб қолган эртак, ҳикояларни мазмунини сўзлаб бериш, адабий асарларнинг айрим парчаларини сўзлаб бериш, болалар адабиёти жанри номини билиш (эртак, шеър, ҳикоя), машҳур ёзувчи ва шоирлар номини билишга ўргатишда давом этиш.

Китоб, кутубхона ва кутубхона ходими ҳақида тушунча бериш. Болада китобдаги расмлар асосида бошқа болаларга тушунганларини сўзлаб беришларини рағбатлантириш. Боладан тинглаган китобининг номи ва муаллифини айтиб беришни сўраш. Ёшига мос ва (ёки) мустақил ёдлаган шеърини ёддан ифодали айтиб беришга ўргатиш.

содда гапларни нутқида қўллаш, сўз, товуш, ҳарф, бўғин, гап ҳақида амалий тушунча бериш, сўзларни бўғинларга бўлиш, бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузиш.

Боланинг мавжуд тил тизими (*товуш, сўз, гап*) тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш. Товушга хос хусусиятларни (*товушларни талаффуз қилиш, яъни айтиш ва эшитиш*) тушунтириш. Бир бўғинли сўзлардан ва бўғиндан товушни ажратиб олиш, бўғинларнинг товушлардан тузилганлиги, нутқнинг энг кичик бўлаги товуш экани, унинг хусусиятлари, тури, товушларнинг ҳарфлар билан белгиланиши ҳақида тушунча бериш. Товушларнинг тўғри талаффузи устида ишлаш.

Боланинг унли ва ундош товушлар ҳақидаги амалий тушунчасини мустаҳкамлаш. Унли ва ундош товушларнинг талаффузини машқ қилдириш.

Қўл бармоқлари майда моторикаси.

Катакли қоғоз сатҳида тўғри чизиқларни ёзиш, қўлни узмасдан нуқта-чизиқчаларни бирлаштириб расм чизиш, дафтардаги ёзув қаторларини аниқлай олиш, расмларни тўғри жойлаштириш, қўлни узмасдан нуқта-чизиқчаларни бирлаштириб расм чизиш, катакли қоғоз сатҳида босма ҳарфни чизиш, матодаги расмни тўқишга ўргатиш.